Украин тилидаги *б а й б а р а* ўзбек тилидаги "Б о й б ў р и" (*бой + бўри = хоқон + бўри*) негизида пайдо бўлганига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Чунки *бўри* сўзининг "авлодни асровчи, кўриқловчи" маъноси ҳам бор. Туркий келиб чиқишли бу фамилия украин тилининг ономастик майдонида бошқачароқ маъно касб этган.

БАЙДА – Полтава вилояти худудида (Чутове кишлоғида) кенг тарқалган фамилиялардан бири. Б.Д.Гринченко бу сўзнинг куйидаги маъноларини қайд этган: "1) маишатпараст одам, бепарво (беғам) киши; *Байда бити* (бекор юрмоқ, юлдуз санамоқ, ит суғормоқ); 2) Бесўнақай аёлга бериладиган лақаб; 3) Бўлка ноннинг четидан қирқиб олинган бурда, бир бурда нон" [БГ, 1-т., 20-б.]. Шунга яқин маъно бошқа манбада ҳам учрайди: "*безтурботна, гуляша*

⁹ Кенас – князь – подшо фармони билан бериладиган унвон.



людина, гульвіса" [Қаранг: Словник української мови, 1-т., 89-б.]. Мазкур сўзнинг биринчи қисми (*ба*) фамилия соҳибининг ижтимоий мақомига (*бой, ҳоким, кенас*) ишора ўларок изоҳланади.

БАЛА сўзи ҳам Полтава вилояти худудида учрайди. Баъзан шу ном билан юритилувчи фамилия соҳиблари казарманинг нуфузли шахслари таъсирида яна бир "л" товушини орттириб, *Балла* тарзида ёки унга *ин, он* қўшимчаларини қўшиб талаффуз қилганлар. Б.Д.Гринченко бу лексемага шундай таъриф беради: "Бала, ли, м. Дубина (таёқ, тўқмоқ), пентюх (лапашанг)" [Қаранг: (Малорусско-німецький словарь. Уложили Е. Желеховский и С Недільский. –Л., 1886. Два тома) и (БГ, 1-т., стр. 23)].

"Бола" сўзи туркман тилидан бошқа барча туркий тилларда *гўдак, бола, ёш бола* маъноларини, туркман тилида эса *чақалоқ* маъносини ифодалайди.

Кўринадики, *бо : ла = бола (ба : ла = бала)* – қуш, ҳайвон ва одамнинг янги туғилган, онасидан ажралмаган болаларнинг умумий номи. "Янги туғилган(лик)" маъноси *бола* маъносидан анча илгари, тахминан, Маҳмуд Кошғарий даврида пайдо бўлган. Шунга асослашиб айтиш мумкинки, *бо : ла = бола (ба : ла = бала)* сўзининг семантик таркибида *бола* (ребенок) маъноси бўлмаган. У мажозий кўчиш натижасида юзага келган: янги туғилган ...бола. Туркий тилларда *бола* сўзи санскрит таъсирида пайдо бўлган деган тахминлар ҳам бор. Кейинчалик унинг келиб чиқиши суғд тилига нисбат берилган [Қаранг: Фасмер. ЭСТЯ, 48-49-бетлар]. Бироқ мазкур сўзнинг туркий эканлиги асослироқ: *ўзбекча: бола, болакай*. Кейинги сўз украин тилидаги *балакати* сўзи билан деярли бир хил (ҳам фонетик, ҳам лексикологик нуктаи назардан). Унда *пентюх* (лапашанг, ношуд, беўхшов одам) маъноси йўқ. Шунинг учун Б.Д.Гринченконинг *бола* сўзи салбий маънони ифодалайди деган мулоҳазалари

ҳақиқатдан йироқ. Бунинг устига, *бола* лексемаси украинча талаффуз қилинганда ҳам ёқимли ва жарангдор. Бинобарин, биз украинча *Бала* фамилияси салбий маъноли деган фикрга кескин қаршимиз. *Бала ношуд, қўпол, лапашанг* маъноларини эмас, балки, *бола, ўғил бола, ёш бола* маъноларини ифодалайди. Афтидан, "Малорусско-німецький словарь" муаллифлари *бала* лексемасини *балда* (*қовоқбош, тўпори, калта фаҳм*) лексемаси билан адаштирган. *Бала* "Словник української мови" ва Фасмернинг "Этимологический словарь русского языка" луғатларида қайд этилмаган.

БАЛАМУТ. К.Д.Бальмонтнинг гувоҳлик беришича, унинг аждодлари фамилияси украинча *Баламут* бўлган ва кейинчалик *Бальмонт* шаклини олган. Украин тилининг изоҳли луғатларида бу лексемага шундай таъриф берилган: "Баламут, та, м. 1) руҳий хотиржамликни бузувчи, фитначи, авроқчи, йўлдан оздирувчи (фольклор: "Баламуте, вийди 3 хати, ..."); 2) эмчи, азайимхон, табиб; 3) Балик: скумбрия (кичикроқ денгиз балиғи)" [БГ, 1-т., 21-бет]. "Баламут, а.ч. Той, хто сіе неспокій серед людей, підбурює на якісь учинки; бунтівник. 2. Той, хто залищається до жінок, настирливо домагається взаємності в коханні; спокусник, зальотник. 3. діал. Риба мокрель" [Қаранг: Словник української мови, 1-т., 94-бет].

М.Фасмернинг фикрича, *баламут* лексемаси *балакати* сўзидан илгари пайдо бўлган. Бинобарин, уни, Р.Смаль-Стоцкий ўйлаганидек, *balakati* ва, *mutiti* сўзларининг чатишишидан ҳосил бўлган луғавий бирлик деб ҳисоблаш тўғри эмас. М.Фасмернинг тасавурида мазкур сўзнинг биринчи қисми *бала* – товушга тақлид характеридаги ҳосила [Қаранг: Фасмер. ЭСТЯ, 1-т., 113-б.]. *Баламут*нинг ҳосил бўлишида туркий негиз борлигини унутмаслик ва уни *шўх* (тинмас) *бола* тарзида талқин қилиш керак. Бу сўзнинг ясалиш қолипи ва маъноси, бизнингча,



шундай: туркийча *бола* ва славянча *мутить* (ғул-ғула солмоқ, фитна қилмоқ), яъни *фитначи бола*.

БАЛТАЧА – XX асрнинг 80-йилларида машхур бўлган украиналик футболчи фамилияси. Бу лексема манбаларда қуйидагича талқин қилинади: 1. "Балта, ти, ж. 1) Топор (болта); 2) Жидкая грязь (суяқ ахлат)" [Қаранг: ГБ, 1-т., 24-25-бетлар]. Бу сўз "Словник української мови"да қайд этилмаган. М.Фасмер унинг туркий тиллардан олинганлигини ва ўткир тигли болта маъносини ифодалаши ҳақида ёзган [Қаранг: Фасмер. ЭСТЯ, 1-т., 118-бет]. Ўзбек тилида *болтача*, *кичик болта* деган маънони англатади.

БАЛЫК – Полтава вилоятининг Чутове қишлоғида учрайдиган фамилия. Б.Г.Гринченко уни қуруқ қайд этиш билан чегараланади: "Балык" [Қаранг: БГ, 1-т., 50-бет]. "Словник української мови"да бу сўзга шундай таъриф берилган: "Балык, у.ч. Просолена пров, ялена (Інколи ще й прикопчена) спинка великої красної риби" [1-т., 96-бет]. Украинча изоҳ ўзбекча изоҳ билан бир хил. Қиёсланг: "Қизил балиқнинг тузланган ва қокланган орқа гўшти" [Русча-ўзбекча луғат, 1-т., 47-бет].

Туркий манбаларда *ба* : *лык* балиқнинг барча турларини, жумладан, сут эмизувчи кит балиғини ҳам англатади. Бу лексема қуйидаги кўчма маъноларда ҳам қўлланади: 1. Ҳаяжонланиш туфайли хушдан кетган киши. 2. Юлдузлар туркуми номи. Турк тилидаги *балаклава*, *балиқ овлайдиган ҳовуз* маъносини ифодалайди. Украинада, "Балыклей, Балыклейка (балиқ учун ҳовуз) номли кичик-кичик дарёлар бор. Қримнинг жанубий соҳилидаги шаҳар *Балаклава* номини татарларнинг Қрим ярим оролига келишларидан анча илгари олган. Бу ҳолат украинлар мўғулларнинг истилосигача ҳам кипчоқ қабилалари билан алоқада бўлганлигидан далолат беради.

БАРАБАШ – Украинада кенг тарқалган фамилия. Э.В.Севортян туркий тилларда икки узвли (кўшма) сўзлар анча

кейин пайдо бўлган деб ҳисоблайди. Шундай бўлса, *Бойбўри* каби антик даврларда пайдо бўлган сўзлар генезисини қандай хронологик тартибда белгилаш мумкин?

Барабаш фамилиясининг биринчи қисми архетипи *бар*, *бор*, *бор* бўлмоқ маъноларини англатади ва кўп маъноли: *бор* (ҳозир) бўлган, *мавжуд*, *ҳаёт*, *тирик*. Бу сўз кейинчалик *бойлик*, *бой*, *давлатманд*, *бош* (унинг боши) маъноларини касб этган. Турк тилида *ақл*; озарбайжон тилида *ақлдан* ташқари яна *зеҳн*, *идрок*, *топқирлик*; қорақалпоқ тилида (кўчма маънода) яна *ақлий қобилият*, *раҳбар*, *йўлбошчи*, *бошлиқ*, *бошчи*, *саркор*, *биринчи* маъноларини ифодалайди [Қаранг: Севортян, ЭСТЯ, 64-66; 85-88-бетлар].

Ўзбек тилида *бош* ва *бор* сўзларининг қўшилишидан, *бошли* (каллали) *одам*, *ақлли* (оқил) *одам*, *ақли тиниқ* (равшан,ўткир) бирикмалар ҳосил қилинган. Соф украин тили қонунқоидалари асосида шаклланган, *барабаш* сўзи (ва фамилияси) икки ўзбекча (туркий) луғавий бирлик негизида юзага келган. Бироқ бу сўз *барабаш* шаклида ўзбек тилида ҳам, бошқа туркий тилларда ҳам учрамайди.

КУЧМА – Чернигов "гетманлиги"да амал қиладиган украинча фамилия. Бу фамилиянинг варианты *Кучмій* Ю.К.Редьконинг луғат-маълумотномасида келтирилган. Бу сўз ҳақида Б.Д.Гринченко қуйидаги маълумотларни беради: "Кучма, ми, ж. 1) Шапка меховая, мохнатая. Колб. 2) Вскоченная голова. *Кучму дати*. *Причинити хлопоти*" [Қаранг: БГ, 2-т., 385-б.]. "Словник української мови"да бу сўзга берилган шундай таърифга дуч келамиз: "Кучма, и. ж. розм. 1. Висока бараньяча шапка. 2. чога, *перен*. Висока копица (про волосся). *Дати Кучму* – *дати прочухана*" [Словник української мови, 2-т., 424-б.].

Бу сўзнинг ўзбекча варианты: "Кўчма. 1. бир жойда турмай, жойдан жойга юриб ишлайдиган. 2. Кўчма ...



байрок" [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 424-б.]. Бу сўзда икки асосий маъно кўзга ташланади: а) характерологик маъно (бу ерда ўзбекча ва украинча изоҳлар ўзаро мос); б) этник маъно: кўчманчи, бадавий.

САГАДАЧНЫЙ – Украина гетманларидан бўлган П.К.Сагадачний Қрим, Туркия ва бошқа мамлакатларга қарши денгиз ҳамда курукликда қўлга киритилган ғалабалар йўлбошчисининг фамилияси. Бу фамилиянинг ясалиш қолипи: сагайдак + украинча қўшимча - *ний*; к - ч га ўтган ▶ *сагайдак сагайдач*. Манбаларда бу лексема ҳақида куйидагиларни ўқиймиз: "Сагайдак, ка, м. Колчан, чехол на лук и стрел" (Ўқдон, ёй (камон) ва ўқ учун ғилоф) [Гринченко, 95-б]; "ШкІряна сумка або деревяний футляр для стрел" [Словник української мови, 9-т., 8-9-бетлар]. М.Фасмер шу сўз асосида украин тилида пайдо бўлган *сайдак* ва *сагайдак* (садок (ўқ-ёй ғилофи) сўзларини ва *колчан* сўзининг чиғатойча, татарча ва мўғулча муқобилларини келтиради [Қаранг: Фасмер. ЭСТЯ, 3-т., 540, 543 бетлар]. Бу сўз худди шу маънода рус тилида ҳам қўлланади [Қаранг: РЎЛ, 2-т., 373-бет]. Украиналик шоир А.Кудрейко ўзининг шеърларидан бирида *сагайдак* ва *сайдак* сўзларидан қофия сифатида фойдаланади. Унинг лирик қаҳрамони афсонавий гетман ҳақида куйлайди: "Ну, хотя б о Сайдаке: ехал, голову клоня и шарахались сайгаки от казацкого коня" [Кудрейко 1975, 27-б.].

Келиб чиқиши ўзбек (туркий) бўлган украинча фамилияларни ўрганиш украин ва ўзбек халқлари орасида узок даврларга бориб тақалувчи алоқаларнинг, хусусан, лисоний алоқаларнинг шакл ва турлари ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Бундай ономастиканинг сеҳрли кучи 988 йилдан кейин Украинада авж олган тажовузкор византиялаштиришга қарши барқарор оппозицияда бўлгани билан ажралиб туради. Яна шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, ономотуркизм камдан-кам ҳолатлардагина трансформацияга учрайди. Бинобарин,

Байдачный, Сагайдачный каби трансформацияларга истиснолар сифатида қараш мумкин. Украинча ономотуркизмлар, асосан, ўзининг ибтидоий кўринишида амал қилиб келади. Бироқ юқорида тилга олинган украинча туркий (ўзбек) фамилиялар туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар орасида ҳам ономастик номенклатуралар сифатида шаклланмаган.

П. Х о р е о г р а ф и к туркизмлар. Ушбу ўринда туркизмларнинг украинча хореографик терминологиясига таъсири масаласини ўрганиш ҳам фойдали ва ҳам мароқли. Қуйида биз аллақачон унутилиб кетилган украинча учта рақс номининг пайдо бўлишини кўриб чиқамиз.

КАРАПЕТ. Биз бу сўзни украин тили луғатларида учратмадик. Фақат фольклор манбалар Украинада ғайриоддий ном билан юритилган жўшқин рақс тури бўлганлигидан далолат беради:

Танцовала "Карапет", побила ботинки,

Залишились (остались) на ногах чулки на резинки.

Йўл-йўлакай қайд этиш мумкинки, арман тилида исм -фамилияни ифодаловчи "карапетян" сўзи бор. Бу ерда биз у ҳақда тўхталиб ўтирмаймиз.

Ўзбек тилида бу сўзнинг аниқ муқобили бор: *карпет* = *кара* (қора) + *пет* сўзининг фонетик ўзгарган шакли, яъни қора + бет. Эҳтимол, мазкур рақс тури ижро этилаётганда ниқоб ёки макияждан фойдаланилган. Шунингдек, рақс ижодкорлари туркий халқлар вакили бўлган бўлиши ҳам мумкин. Бошқа тахмин билдиролмаймиз, чунки бунинг учун украинча рақсинг сахнавий ва композицион асосларини билиш керак.

ОЙРА. Қўл остимизда бўлган лексикографик манбалардан санъатнинг бу турини ҳам, уни ифодаловчи сўзни ҳам тополмадик. Шунинг учун яна халқ қўшиқларига мурожаат этдик. У ерда *Ойра* ва юқорида кўрганимиз *Карпет* номли рақсларнинг сахнавий хусусиятлари қайд этилган. Қиёсланг:



Отакички *Ойра-Ойра*,
Отакички *Каранет*.

Рақс ижро этилаётганда қўл кафтлари билан хореографик амаллар бажарилиб турилади.

Ора сўзи қуйидаги икки қолип асосида ҳосил қилинган бўлиши мумкин. Биринчиси соф украинча қолип *ой* ундов сўзи асосида ҳосил қилинган, чунки халқ оғзаки шеърляти *ой* дан урғули қофия ёки анифора сифатида фойдаланади: юкламалар ашуланинг ўртасида келган матнни кенгайтиради ҳамда эмоционал тўхтама – ғам-алам, ҳайрат ва беҳад кучли завқ-шавқ вазифасини бажаради; *ра* юкламаси – соф рақс мароми унсури (тахминан, бундан ўн йилча илгари телевидение орқали берилган бир кўрсатувда белорусиялик талабалар шу лексемадан фойдаланиб рақсга тушишган эди).

Ўзбекча версия қуйидагича: *Ойра* лексемаси *доира* сўзига очикдан-очик ишора қилиб турибди. "Доира" луғатларда шундай изоҳланади: 1. тўгарак чизик чизмок; 2. *кўчма* доира шаклида айланмок, давра олиб юрмок ёки учмок [Қарнг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1-т., 231-232-бетлар]. "*Доира*"га нисбат берилаётган *ойра* "беэга" колгани учун ўзбекча тахминни олға суриш мақсадга мувофиқ кўринади.

САНЖАРІВКА (САНЖАРКА) – украин хореографиясида ашула ва рақснинг номи [Қаранг: БГ]. Украин тилининг ўн бир томлик изоҳли луғатида, *санжарка* ва *санжарівка* "народна пісня І танець" (халқ кўшиғи ва рақси) тарзида талқин қилинган [Словник української мови, 9-Т., 52-б.]. Иккала луғат ҳам, гарчи Украинада шу ном билан аталадиган кишлок ва посёлкалар (шаҳар типдаги кишлоклар) мавжуд бўлса-да, *санжар* сўзини қайд этмайди. Масалан, "Харьков – Полтава" автойўлида, *Санжары* Полтавадан нарида, Киев томонда *Нові санжари* кишлоклари жойлашган. Халқ

тилида *санжари* лексемаси фонетик жиҳатдан *Стожари*, *ожеред*, *ожеледь*, *джерело* каби сўзлар билан бир сўз ясовчи қолипни ташкил қилади. Эътиборга молик томони шундаки, Б.Д.Гринченко *санджак*, ка: Турк губернатори; *санджаківка*, ни, ж.: (турк) губернаторнинг қизи сингари туркий сўзларни келтиради [Қаранг: БГ, 4-т., 101-б.]. *Санжар* ва *санджак* мазмун жиҳатдан қардош сўзлар бўлиши мумкин. *Санжар* – жангчи, баҳодир, паҳлавон. Соф ўзбекча сўз. Шу ном билан аталувчи рақсга келсак, таъкидлаш жоизки, фақат аёллар иштирокида ижро этиладиган *Санжарка*да шарқ рақси унсурлари бор.

Украинча рақсларнинг туркий номлар билан аталиши маданиятшунослик нуқтаи назаридан ҳам ноёб ҳодиса. Бу ерда, бизнингча, туркий тилларга хос терминлар украинча рақсларнинг ритмик мароми шаклланишига таъсир қилганми / қилмаганини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Хуллас,

1. Юқорида таҳлилга тортилган мисоллар лингвистик ресемантизация қонунига бўйсунди.

2. Украин тили туркизм-терминларини нафақат "график" нуқтаи назардан ўзлаштирди, шунингдек, уларнинг маъносини ўзининг нутқ маданияти эҳтиёжларига мослаб қайта ишлаб ҳам чиқди.

3. Туркий тилларга хос унлилар уйғунлиги (сингармонизм) украин тилининг фонетик тараққиётига ҳам таъсир қилган кўринади.

4. Турли тиллар лексик таркибида мавжуд туркизмларни этнолингвистик ва лингвокультурологик нуқтаи назардан ўрганиш тиллар соҳибларининг олам манзараси ҳақидаги тасаввурларини бойитиш баробарида турли даврларда уларнинг ҳаётида кечган сиёсий, тарихий, иқтисодий, маданий, ҳарбий ва б. жараёнларни тўғри ва холис талқин қилиш учун ишончли асос вазифасини бажаради.

Адабиётлар

1. Гринченко Б.Д. Словарь української мови. в 4 томах. – К.:Киевская Старина. 1907.



2. Гаркавец О.М. Тюркізм // Українська мова: Енциклопедія. – К.: Українська енциклопедія, 2000
3. Мирзаев И.К. Михайличенко Б.С. Функционирование тюркизмов в украинском языке // Ўзбек филологияси масалалари / Илмий мақолалар тўплами. – С.: СамДУ, 2000.
4. Словник української мови. В II тт. – К.: Наукова думка, 1970-1980.
5. Фасмер М. ЭСРЯ – Этимологический словарь русского языка. В 4-х тт. – М.: Прогресс, 1986-1987.
6. Севортян Э.В. ЭСТЯ – Этимологический словарь тюркских языков. Общeturкские и межтюркские основы на букву "Б". –М.: Наука, 1978.
7. Алпамыш. По варианту Фазыла Юлдашева. Пер. с узб. Л.Пеньковского. – Т.: изд. им. Г.Гуляма. 1973. –360 с.
8. Русча-ўзбекча луғат. Икки томлик. – Т.: УСЭ, 1983.
9. Редько Ю.К. Довідник українських прізвищ. Вчителю-словеснику. – К.: РШ, 1968. – 255 с.
10. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. – М.: Русский язык, 1984. – Т.1.

Мирзаев И. Тюркизмы в украинском языке. Авторы статьи рассматривают украинско-тюркские исторические взаимоотношения и взаимодействия в контексте исторического развития обоих народов. Изучается вопрос взаимопроникновения слов в структуру данных языков и проводится анализ тюркских слов в лексическом составе украинского языка.

Mirzayev I. Turkik words in Ukrainian language. The authors analyze Ukrainian-Turkik historical relationships and interaction in both nations' historical evolution context. Particular attention is paid to the issue of mutual borrowing and the study of Turkik lexical units in Ukrainian lexicon.



АДАБИЙ ТАЪСИР ВА ИЖОДИЙЛИК

Давронова Шоҳсанам Ғайбуллоевна,

ф.ф.н, БухДУ катта илмий ходим-изланувчиси

Таянч тушунчалар: адабий таъсир, ижодийлик, роман, адабий анъана, адабий синтез, Жалолоддин Румийнинг “Ичиндаги ичиндадир” асари, Улуғбек Ҳамдамнинг “ Исён ва итоат ” романи .

Адабий таъсирнинг қирралари бениҳоя кўп. Ёзувчи ўзи билан ёнма-ён қалам тебратаётган қаламкаш ўртоқлари ижодидан таъсирланиши ёки улар билан ҳамсухбат, ҳамнишин бўлиши натижасида ўзи учун номаълум бўлган қандайдир кашфиётларни яратиши мумкин. Ёки бирор-бир янги ва қизиқарли асар мутолааси ҳам ижодкорга ўз бадиий ниятлари, ўзи излаётган ижодий ғоялари учун мақбул поэтик шакл, мазмун топа олишига замин ҳозирлаши ҳам, эҳтимол. Шунингдек, муайян бир асар таржимасига қўл урган истеъдод соҳиби, табиийки, маълум бир муддат ўша асарнинг таъсиридан холи бўла олмайди. Балки ўша асар унда янги адабий ниятнинг туғилишига ҳам қўмак бериши мумкин. Бунинг каби жараёнларга адабиётимизнинг ўчмас тарихидан талайгина мисоллар келтира оламиз: Мақсуд Шайхзоданинг Шекспир асарлари таржимасига қўл уриши “Мирзо Улуғбек” трагедиясининг дунё юзини кўришига сабаб бўлганлиги ҳақидаги фикр ҳақиқатдан холи эмас; Эркин Воҳидовнинг Гёте асари “Фауст”ни таржима қилиши “Рухлар исёни” достонининг яратилишига туртки берди, дейиш хато ҳисобламайди; “Илоҳий комедия” таржимаси Абдулла Орипов ижодига ўзгача бир руҳни олиб кирди, ҳаттоки “Жаннатга йўл” асарининг юзага келишига туртки берди деб бемалол айта оламиз.

Айнан ана шундай адабий таъсир кўринишини янги давр ўзбек адабиётининг

кўзга кўринган вакилларида бири Улуғбек Ҳамдам ижодига ҳам кузатамиз.

Ёзувчи Улуғбек Ҳамдам адабий жамоатчилик орасида таржимон сифатида ҳам танилди. Айниқса, унинг Жалолоддин Румий қаламига мансуб “Ичиндаги ичиндадир” китобини она тилимизга ўгириб, кенг китобхонлар оммасига ҳавола қилиши истиклол даври ўзбек адабий жараёнида алоҳида ҳодиса эканлигини таъкидласак, муболаға бўлмайди. Ижодкорнинг асарни таржима қилиши унинг ушбу асар ва унинг муаллифига нисбатан ихлос ва эътибори ҳосиласидан дарак беради. Шубҳа йўқки, таржимон китобни ўзбек тилига ўгириш фикри туғилишидан бирмунча муддат олдин уни мутолаа қилган ва фикримизча, китобнинг сеҳрли оламига ошно бўлган. Қолаверса, ушбу бетакрор намунанинг фалсафий-маърифий, ахлоқий-дидактик, тасаввуфий, тарбиявий моҳияти, аҳамияти ижодкор қалбига ўз жозибасини муҳрлаб қўйганлиги китобни таржима қилиш зарурати ҳақидаги фикрнинг туғилишига сабаб бўлган бўлса, эҳтимол. Жалолоддин Румий маънавий меросига ўзгача муносабати – меҳри ва эътирофи мавжудлигини адибнинг “Исён ва итоат” романи яққол кўрсатиб туради. Чунки “...қарийб 700 йил аввал яратилган бўлишига қарамай, Румий асарларидан ҳаёт нафаси эсади, дегинг келаверади” [5.12] Шу боис бўлса керак, “Исён ва итоат” романининг юзага келишида Жалолоддин Румийнинг “Ичиндаги ичиндадир” асари, қолаверса, буюк



файласуф қаламига мансуб ахлоқий-таълимий, маърифий, дидактик характердаги, тасаввуфий, фалсафий руҳдаги бошқа намуналарнинг таъсири борлиги сезилиб туради.

Маълумки, Жалолиддин Румий таълимоти инсонни тарбиялаш, унинг ҳақ йўлдан оғишмаган ҳолда ҳамиша ҳаракатда бўлиши, қалб амри ва юксак инсоний, ахлоқий меъёрларга риоя этиш зарурат ва бурчлари тўғрисидаги ҳаётбахш фалсафага асосланганлиги билан асрлар оша қимматини йўқотмай келмоқда. Қолаверса, унинг қарашлари ҳаётийлиги, омманинг ижтимоий ҳаракати, эҳтиёж ва кизиқишларига чамбарчас боғлиқлиги нуқтаи назаридан диққатни тортади. Буюк аллома ўзининг ҳар бир сўзи, ҳар бир ўғити, ҳар бир эътирофини қайсидир воқеа, одамзод кечмишига оид қайсидир асос орқали исботлаб боради. Келтирилган ҳикоят ва ривоятлар, ҳаётий ҳодисалар кишилар қисматига оид аччиқ ва ишонарли сабоқлар бўлиши билан бир қаторда ижодкор асарларининг бадиийлик даражасини ҳам юксалтиради. У келтирган ҳикоят ва ҳикоятлар содда ва халқ тилига, дилига яқинлиги, айти пайтда, рамзу ишоратларга бойлиги, поэтик жозибдорлиги билан эътиборни жалб этади. Инсонларни тарбиялаш ва эзгу йўлга бошлаш ишига умрини тиккан буюк аллома оддий одамлар ва уларнинг турмуш тарзига яқин бўлган воқеа-ҳодисалардан, шунингдек, уларнинг ўзи яратган яратмалар – халқ оғзаки ижоди намуналаридан унумли фойдаланади. Халқнинг ўз бойлиги бўлган дурдоналарнинг маърифий таълимотига уйғун бўлган жиҳатларини топа олади.

Ижодкор асарларининг мазмун-моҳияти, ғоявий-бадиий қиммати замонлар оша ўлмас аҳамиятга эгаллиги ҳайратимизни оширади. Китобхон қайси замон ёки макон фарзанди бўлмасин, улардан ўз саволларига етарли даражада ечим топишга муваффақ бўлади. Шу боис бўлса керак, Жалолиддин Румийнинг ахлоқий-дидактик, фалсафий қарашлари,

поэтик маҳорати, барча туркий халқларнинг бирдек нодир намунаси бўлиши билан бир қаторда ижодкор аҳлининг ҳам диққат марказида турувчи маҳорат мактаби вазифасини бажаради.

Жумладан, истиқлол даври ўзбек адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Улуғбек Ҳамдам ижоди, айниқса, романлари адибнинг Румий фалсафасидан сабоқ олганлигини яққол намоён қилиб туради. “Мувозанат” романидаги айрим ўринларда замондошларимизнинг мусулмончилик амаллари ва унга нисбатан ёндашуви масаласи ҳамда ислом динининг ҳаётбахш ва бағрикенг таълимот эканлиги ҳақидаги қарашлар баён этилган бўлса, “Сабо ва Самандар” романида ишқ ва унинг ошиқ қалбини яраловчи, бошига турфа ғавғоларни солгувчи моҳияти, айти пайтда мажозий муҳаббат қатидаги илоҳий ишқ оҳанглари романтик талқинда ифодасини топади.

“Исён ва итоат” романида эса ижодкор истиқлолдан кейинги илк йилларда ўзбек халқи ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётида юз берган ўзгаришлар ва бу ўзгаришларнинг миллат онги, тафаккури, дунёқарашига кўрсатган таъсири масалалари хусусида сўз юритган. Айти пайтда асарда инсонларнинг руҳий кечинмалари, сезимларида юз берган ҳолатлар, уларнинг иқрорларидаги қатъийлашув жараёнлари теран очиб берилган.

Ҳар бири ўзига хос ҳамда турфа кечмишларни бошдан ўтказган роман қаҳрамонлари ниҳоят виждон амри, адолат ва ҳақиқат тарозиси билан ўзларини баҳолаб кўришади. Оғир келган палла, иқрор ва интиҳо ечими инсон учун нақадар кучли зарба бўлиши мумкинлигини англаган қаҳрамонлар тутган йўл асардаги қизиқарли сюжет чизиғини ташкил қилади. Айти муаммо ёзувчи талқинида исломий, маърифий моҳият касб этади. Ана шу жараёнда эса ёзувчининг ғоявий, ижтимоий, фалсафий қарашлари



Жалолиддин Румий таълимотидан озикланганлигини кўрсатиб туради.

Ўз тақдирини яратиш ёки поймол этиш имкони инсон қисматини қай ўзанга тортади? Шахснинг маънавий камолоти қай нуқтада кесишади? Нималар унга тўсқинлик қилади-ю, яна нималар уни рухан юксак чўққиларни забт эта олишига кўмаклашади? Ушбу саволларга адиб исён ва итоат тушунчаларининг моҳиятини бадий асослаш орқали жавоб топишга интилади.

Исён унинг қалбидаги азалий қисмат эканлигини ижодкор Одам Ато ва Момо Ҳаво кечмиши ҳақидаги диний ҳикоятларни асарга парча-парча қилиб келтириш орқали далиллаб боришга ҳаракат қилади. Ушбу сайёр сюжетга асосланган воқеа ман этилган, яширилган, таъқиқланган нарса-ҳодисаларга нисбатан ўта қизиқувчанлик одамзод наслининг тийнатида борлигини кўрсатиб беришга интилади. Айни шу ҳақиқатни Жалолиддин Румий қуйидагича ифода этиб берган: “Масалан, сен бир нонни олиб, қўйнингга яшир ва одамларга кўрсатма. Шунда халқнинг гизланган нонга қизиқишлари ортади. Агар кўчалар тўла арзон нон бўлган тақдирда ҳам, улар сенинг қўлтиғинг остидаги ўша зоғорани кўриш истаги билан ёнадилар. Нонни қанча узоқ муддат яширсанг, уларнинг ичлари ҳам шунча шиддат билан қизийди. Чунки одам ман этилган нарсага нисбатан очкўз бўлади” [3.104]. Шайтон йўлдан уриб, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг ман этилган мевани истеъмол қилиши ва жаннатдан қувилиши воқеасини келтириб бориш орқали Улуғбек Ҳамдам шайтоний васвасалар инсоният аъмоли учун ҳали-ҳанузгача бегона эмаслиги ҳақида баҳс юритмоқчи бўлган бўлса, эҳтимол.

Романнинг бош қаҳрамони Акбар замон, атроф-жавонибидаги одамлар, ҳатто ўз қисматига нисбатан кучли исён кайфиятида бўлади. “Фақат исён бор эди балки унинг юрагида! Исён бўлгандаям, ўз қисматига, қисматининг аламли, дунёнинг фирибидан, зўравонликдан,

адолатсизликдан иборат эканлигига қарши аримас ИСЁН!.. Агар мана шу лаҳзада – Акбарнинг вужуди ҳавода бир муддат муаллақ осилиб турган шу қалтис онларда унинг ботинидагини сўзга кўчириш мумкин бўлганда эди, эҳтимол, “Сен ҳам адолатсизмисан, Худойим?!..” деган мазмунда бўлармиди... Агар ҳаракатга кўчирилганда Акбар тура солиб Яратганнинг ёқасига ёпишарди” [4.17]. Ўзи фаолият юритаётган мактабда бўлиб ўтган дилхираликлар, кейинчалик унинг ҳақиқага ҳеч тап тортмай хиёнат қилишлари, ноҳақ жабр-зулм остида эзилиши, ҳатто туғишган акасининг бешафқатлиги – буларнинг бари Акбар ҳаётини ўзга бир ўзанга буриб юборди. Устозининг “йўлга чиқишинг керак ўғлим”, [4.8] дея қилган даъвати, қолаверса, барча кўргиликлардан узоқлашиш истаги уни янги бир ҳаёт қучоғига отди. Аммо беҳосдан пайдо бўлган муҳаббат туйғуси ҳам унинг кўнглидаги исён оловини ўчиришга қодир эмаслиги тезда аён бўлади. “Буюрдики: Кеча-кундуз жанжал қилиб бир аёлнинг феълини тузатмоқ ва гўзаллаштирмоқ истаяпсан. Унинг нопоклигини ўз поклигинг билан тозаламоқчи бўляпсан. Аслида, ўзингни у билан тозалашинг, уни ўзинг билан тозалашингдан яхшироқдир. Сен унга томон юр ва унинг воситасида гўзаллаш. Имконсиз бўлса ҳам, у айтган нарсани қабул эт... Тангри пайғамбарга жуда нозик бир йўлни кўрсатди. Бу қандай йўл? Бу аёлларнинг инжиқликларига, ёмонликларига таҳамул этиб, уларнинг ҳар қандай олди-қочди гапларини эшитмоқ ва уларга нисбатан қаттиққўллик билан ёндашиш йўлида ўзини тузатмоқ мақсадида уйланмоқдир. Оллоҳ “Сен энг юксак ахлоқ соҳибисан”, дея буюрган” [3.102]. “Исён ва итоат” романида ёзувчи айни шу ҳақиқатга ҳам асарда илгари сурмоқчи бўлган бадий ғоядан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлади. Қалбида исён туйғуси жўш урган Акбар қишлоғини ташлаб кетади ва енгилтабиат йўллардан юривчи Диана исмли қизни ёқтириб қолиб, уни ёмон йўлдан олиб



чиқишга эришади ва у билан ҳаёт кечири бошлайди. Акбар билан осойишта турмуши ташкил этилган Диана эса ўз табиатини яхши томонга ўзгартиради. Аммо бундан Акбарнинг нияти фақатгина Дианани ёмон йўллардан олиб чиқиш ёки қалбида пайдо бўлган муҳаббати туфайлигина эмас, балки ўзини қийнаётган муаммолардан чекиниш ҳам эди.

Акбардаги рухий ҳолатларни панд-насихат, тушунтириш кучи билан ўзгартиришнинг иложи йўқлигини устози яхши билар эди. Бир пайтлар устозининг “Ҳикматни уққанга гапиргин болам, акс ҳолда икки томонга ҳам жабр қиласан”, [4.3] деган ўғитини у синовдан ўтказиб иқрор бўлди. Шу боис бўлса керак, табиб бирор марта бўлса-да, унинг ҳис-туйғуларини муҳокама этиб, баҳолаб ўтирмади. Табиб буларнинг барчасини Акбар ўзи, мустақил бошдан ўтказгачгина иқрор бўлиши мумкинлигини англаб етган эди. Саволларига саркашлик билан жавоб талаб қилаётган кейинги шогирди Искандарга ҳам табиб “Ўзинг етиб келишинг керак уларга, болам”, [4.99] деб жавоб қилади. “Агар сизнинг ичингизда сўзимизга хайрихоҳ бир туйғу бўлмаса, айтганларимиздан наф йўқ. Ахир, ичкаридаги ўғри келиб эшикни очиб бермагунча, ташқаридаги ўғри уйга киролмайди-да. Яна бир мисол: дарахтга намлик, аввало, унинг илдизидан келмаса, сен юқоридан куйган сув – беҳуда.” [3.72], деб ёзади Жалолоддин Румий. Улуғбек Ҳамдам асари қаҳрамони Акбар қисмати орқали эса буюк файласуфнинг ушбу донишмандона айтган фикрлари ўз тасдиғини топади. Акбар қалбидаги исён олови батамом ўчгач, яъни умрининг охирларида, хотини Фаридани усиз яшашга батамом кўникиб қолган, неваралари билан оввора бўлиб юрган пайтларда юртига қайтишни истаб қолади. “Завқ ва орзулар зинапояга ўхшайди. Зиналар ўтириб, дам олишга мослашмаган, аксинча, устига босиб ўтилади, холос. Умрини шу зиналарда беҳуда ўтказмаслик учун гофилликдан тез уйғонган ва аҳволнинг

моҳиятини англаб етган зот қандай бахтли!” [3.79] Ушбу ҳақиқатни кеч бўлса-да англаб етган Акбар Искандарни шошилишга даъват қилади: “Имкон қадар тезроқ чиқ, ҳаяллама...” [4.139] Ёзувчи Акбар тимсоли орқали дунё ташвишлари, машаққатларидан тезда букилиб, Оллоҳнинг иноятига шубҳа қилган инсон умрини беҳуда ўтказишига маҳкум бўлиши мумкинлиги ҳақида сўз юритмоқчи бўлади. “Одам алайҳиссалом замонидан шу вақтгача исёнкорларнинг бошларига қандай балолар келганини эшитгандирсиз. Фиръавн, Шаддот, Намруд ва Од қавми, Лут ва Самуд ва ҳоказолар қандай мусибатларга мубтало бўлдилар?” [3.89], деб мисол келтиради Жалолоддин Румий. Улуғбек Ҳамдам тасвиридаги Акбар гарчи салбий характердаги кишилар тоифасидан бўлмаса-да, унинг исёни аслида ўткинчи дунёнинг майда ташвишлари билан боғланган эди. У абадият, илоҳиёт ва инсоннинг буюклик мартабаси бундан-да юксакроқ туйғуларга эш бўлиши мумкинлиги тўғрисида кечроқ англади. Табиб эса унинг қалбида ўша итоат ато этувчи хотиржамликнинг ниҳоят юзага келишига ишонарди. “Инсон ўз ичидаги исёндан қутулса, буни Оллоҳнинг фазли ва карами, дея билмоғи керак. Йўқса, у билан бирга бўлган дўстларида бу ҳол нечун воқе бўлмади?”, [3.71] деб ёзади Жалолоддин Румий “Ичиндаги ичиндадир” асарида. Ёзувчи талқинига кўра “Исён ва итоат” романи қаҳрамони Акбар қалбида итоат тушунчасининг пайдо бўлиши унинг маънавий юксалишидан нишона эди.

Жалолоддин Румий “Ичиндаги ичиндадир” асарида аёллар, оила масалалари ҳақида фикрлар билдириб, ушбу борада ҳам инсондан кенгфееьлик, бағрикенглик, сабр-матонат талаб қилинишини ҳаққоний асослаб беради. Айни ана шундай паллаларда ҳам инсоннинг “Ривоят қиладиларки: Пайғамбар асҳоби билан урушдан қайтди ва: “Бу кеча шаҳар ташқарисида ухлаб, эртага ичкари кирамиз” – деди-да, ноғора



чалишни буюрди. Ундан сўрашди: “Эй Оллоҳнинг элчиси, бунга сабаб нима?” Жавоб берди: “Хотинларингизни бегона эркаклар билан кўрсангиз, хафа бўласиз”. Бироқ асҳобнинг бири кулоқ солмай, уйига борди. У ерда хотинини бегона эркак билан топди.” [3.103] “Исён ва итоат” романи қаҳрамони табиб ҳам айнан ана шундай қисматни бошдан кечирди. Хотинининг хиёлати унинг қалбини ларзага солди, у ўзининг ўз уйига бегона эканлигини англади экан, “...ботини ғалаёнга тўлди” [4.19] Хуллас, инсоннинг ўз аъмоли, ўзгалар тутумлари, умуман, ижтимоий муносабатларга оид қарашларида собитлик, сабр-бардош билан ёндашуви унинг ўзлигини англаши йўлидаги босқичларни белгилайди. Ана шуни ниҳоят англаган табиб, маънавий камолотидан завқланади, ўзини жаннатий ҳаловатга қовушаётгандек сеза бошлайди: “Мен, ниҳоят, исён азобидан фориғ бўлиб, озодликка чиққандим. Озодликнинг исми эса Итоат эди. Ва, мен ўзимни у ён бу ёнга уришни бас қилиб... йўқ-йўқ, бундай эмас, қирқ-эллик йил давомида мени чирпирак қилиб учириб юрган куч секин-аста орқага чекинди-да, мен ўзимга ўзим тегишли бўлиб қолдим, десам тўғрироқ бўлади. Шунда қаршимда ҳаётнинг мазмуни, туғилиш қа ўлишнинг маънисини ярқ этиб намоён бўлгандай эди: у Итоатда, инсонлик қисматига кўникишда эди. Йўқ, бу кўр-кўрона кўникма эмасди, балки англаш ва тушунишдан келадиган буюк Итоат – Яратганга тобелик эди. Чунки мендаги Исён Итоатимнинг ичига, унинг бир бўлагига айланиб ўзга маъно касб этганди. Ва мен хотиржам эдим” [4.98].

Илоҳий, ирфоний моҳиятга дохил бўлган инсон эса нафс, нодонлик қутқулари, сабрсизлик ва мол-дунёга ўчлик исканжасида турли қиёфаларни касб этувчи истакларга юксакдан назар ташлай олиш мартабасига эришади. Ана шунда оламда хусумат, ҳасад, саргардонлик, мол-дунё васвасаси каби иллатлар одамзодни таъқиб этмайди. Ижодкор асар орқали аслида шундай абадиятга дахлдор

муаммоларга ечим топишни мақсад қилади. “Заҳматлар эвазига мукофотга ҳозир муяссар бўлмасам-да, ниҳоясиз хазиначиларга қовушаман” деб, кўнгилни тўқ қилганинг учун ҳам, ниятинг ҳосил бўлур. Ҳатто истаганингдан, кутганингдан ҳам авлороғига эришажаксан. Сўзларим ҳозир сенга таъсир қилмаса ҳам, камолотга етганинг сари улар ўз кучини кўрсата боради”, [3.103] дейилади Жалололдин Румий асарида. Айни ҳақиқатга иқрор бўлишни “Исён ва итоат” романи қаҳрамонига ҳаётнинг ўзи ўргатди: “Мундоғ ўйлаб қарасам, мен танамнинг ҳузур қилиб яшаш йўлидаги истагига бўйсуниб, ўзимни турфа қийноқларга гирифтор қилиб ўтирибман экан. Бор-йўғи – шу: жисмнинг эрта-индин ўлиб-чириб, тупроққа қўшилиб кетгучи вужуднинг хархашалари учун шунча заҳматми?..” [4.22] Ана шу заҳмат инсоният келажаги, фан-техника таракқиёти, миллатнинг эртаси учун енгилликлар яратиш йўлида чекилса-чи? Бу борада асар қаҳрамонларидан бири - табибнинг тутуми эътирофга лойиқ. У нодир кашфиётлар қилиб, тиббиёт соҳасида мислсиз ютуқларга эришилаётган бир пайтда одамларнинг оддийгина бир касалликни енга олмай азият чекаётганларига ўқинади. Табиб ўзини шон-шухратга бурковчи, илмий гипотезаларни илгари суриш ёки шов-шувларга сабаб бўлувчи янгиликларни олиб чиқиб, ўзини кўз-кўз қилишдан тамомила йироқ ҳолда оддий кишилар турмушини енгиллаштириш, улар ҳаётига хавф солишга, асорат қолдиришга-да қодир бўлган, лекин тиббиёт донишмандлари томонидан ҳамон эътиборсиз, бир қадар назарга илинмай келинаётган грипп касалигини ўрганиш долзарб муаммо эканлигини англаб етади. Гарчи бу борада қатор тўсиқларга учраса-да, табиб чекка бир қишлоқда халқ ҳаётини сақлаб қолиш йўлида тинимсиз ҳаракат қилади. Дадасига айтиб, табибга ҳайкал қўйдирмоқчилиги ҳақида гапирган беморларидан бири - қизчага табиб ундан кўра қишлоқда шифохона қурдириш



кераклиги ҳақидаги фикрини уқдирмоқчи бўлади. Умуман олганда, табиб образи Шарқ мумтоз адабий асарларидаги пир, муршид, шайх каби бадий тимсолларни эслатади. Чунки асарда у ҳам амаллари, ҳам ўғитлари билан ёш авлодни тарбиялаш вазифасини зиммасига олади.

Маълумки, Жалолиддин Румий фалсафасида динлараро, мазҳаблараро бағрикенглик масалаларини асосий ўрин тутди. Инсоннинг руҳий хотиржамлиги, оқибати, гуманизми унинг ўзга миллат, ўзга дин, ўзга мазҳаб, ўзга ирқ ва шунинг каби турли тоифадаги шахслараро муносабатнинг самарали йўлга қўйилишига замин яратди. Ижодкор асарларида келтирилган ҳикоят ва ривоятларнинг аксарияти мағзида ана шу ғояни ташвиқ этишга қаратилган интилишлар ётади. “Ичиндаги ичиндаир” асарида арабчани билмайдиган турк шоҳи ҳақида ҳикоят келтирилади. Шаънига ўзга тилда ўқилган шеърни чин бир эътибор билан тинглаган шоҳни кўрган атрофдагилар ҳайратда қоладилар. Ҳолбуки, шеърнинг ўзига нисбатан мақтов мазмунида эканлигини ички бир туйғу билан англаган шоҳ гарчи тилини тушунмаса-да, диққатини намоён этган эди. “Худди шундай, шайхлар ҳам агар кўринишдан турли-туман, ишлари ва сўзлари фаркли-фаркли бўлса-да, мақсад эътиборлари билан бирдир – Тангрини талаб қилмоқдир”, деган хулоса қилинади асарда [3.35]. Улуғбек Ҳамдам асарида ҳам айна ана шу масалага дахл қилинган ўрин учрайди. Роман қаҳрамонлари қалбларидаги исён туғени манбаини излашга муттасил ҳаракат қилар экан, асар воқеаларига кўра уларнинг итоат ва ибодат йўлига кириши маънавий-руҳий асослар билан исботлаб борилади. Персонажлардан бири Лариса хола яқинлари меҳри, эътиборидан четда якка-ёлғиз қолиб ўтган ҳаётини сарҳисоб қилар экан, айна ана шу ёлғизлик дардига мубтало бўлишига ўз аъмолини сабаб деб билади. Шунга қарамай у ёлғизликдек даҳшатли кемирувчи махлуқ зулмидан

чекиниш учун йўл излаш жараёнида эски дўстларини ахтаради, улар билан ҳамсухбат бўлиб, кулфатини аритишни истаб қолади. Бироқ не ажабки, дўсту биродарлари ҳам бирин-кетин бу кўхна оламни тарк этиб кетишган экан. Қучли изтироб ва руҳий қийналишлар остида қолган Лариса холанинг кўнглига ибодат қилиш фикри келиб қолади ва дугонаси Таня билан ибодатхонага йўл олади. Ибодат қилаётган Лариса хола дугонаси Матлуба номини эслар экан, бироз иккиланишда қолади. Унинг мусулмон, ўзининг эса насроний эканлиги, унинг ҳақиқага дуо қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги уни ўйга толдирган эди. Ниҳоят “Мулоҳаза қила-қила ахийри бир қарорга келди: “Ахир динларимиз ҳар хил бўлсаям дилларимиз яқин эди-ку... Ахир мен ҳам Матлуба бир умр сиғинган Худога илтижо қиляпман-ку!...”

Шундан сўнг хола анча хотиржам тортди-да ибодатини давом эттирди...” [4.70] Унинг хулосаси одамзодни яқинлашишга, тил, ирқ, дин, мазҳаб, синф, табақа, мартаба айирмачилигидан қатъи назар ягона – инсонлик мартабаси.

Асар қаҳрамони Турсунбой жонталаш эса ўзбек халқига хос бўлган меҳнаткашлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат, инсоф, диёнат каби хислатларни ўзида жам қилган миллий характери билан диққатни тартади. У шоир Абдулла Орипов таъбири билан айтилган “пахтам қолди-ку, ахир”, дея “ялантўш, яёв” даласига кетган, кунлаб этигини ечмай, совуқ ош еб, сахар туриб, кеч ётиб, аммо ўғлини ёрдам беришга уйғотишни раво кўрмаган, ҳатто ўлими олдидан ҳам бир ғиштни жойига қўёлмаганидан ўкинган меҳнаткаш, меҳрибон бободехқоннинг типик тимсолидир. Гарчи атрофдагилар наздида у жонсарак ва жонталаш саналса-да, бизнингча, муаллиф унинг характерида олий илмий, урфоний, диний ақидалардан унча чуқур хабардор бўлмаса-да, инсонлик қисматидан ўкинмайдиган, ўзлигини айнан аслича англаган кишилар оламини жамлайди. Асардаги Фариди тимсоли



тўғрисида ҳам шунинг каби фикрларни баён этиш мумкин. Аёл эрининг ўзидан узоқда яшашидан фожиа ясамайди, балки унинг келган кунларини байрамдек ўтказишга ўзини ўргатади. Ёқтирган иши, фарзандлари тарбияси билан машғул бўлишда давом этади. Унинг хатти-характлари, қиёфасида ўз қисматига дахлдор жамики ҳақиқатларга сокинлик ва мушоҳада билан ёндашадиган, бағрикенг, мунис ўзбек аёли тимсоли гавдаланади.

“Инсон шунақа мавжудотки, яшаган сайин янгиланиб боради, баъзан кечаги хулосаси бугунгига тўғри келмайди, у эртагача яна ўзгариб қолиши мумкин. Шунинг учун шошилма. Ҳаётнинг, умрнинг ўзи секин-асталик билан ҳамма саволларингга жавоб бериб боради”, [4.98] дейди табиб ёш шогирдига. Ҳақиқатан ҳам, инсонни замонлар, маконлар, ходисотлар, турли қисматлару турфа ажойиботлар янгилаб, ўзгартириб бораверади. Шу тахлит инсон комиллик мартабасини аста-секинлик билан забт этиб бораверади. Ҳар бир босилган қадам одамзодга қайсидир ҳикматдан сабоқ бериб боради.

Жалололдин Румийнинг макон ва замон танламас ўғитлари бугунги кун кишилари ҳаётига ҳам нақадар яқин эканлигини Улуғбек Ҳамдам Акбар, табиб, Фарида, Диана, Лариса хола, Турсунбой жонталаш, Искандар каби “Исён ва итоат” романи қахрамонлари кечмиши мисолида исботлаб берди.

Хуллас, романда Жалололдин Румий қаламига мансуб намуналарга, хусусан, “Ичиндаги ичиндадир” асарига хос бўлган диний-маърифий ғоялар моҳирона бадиий синтез қилинган ҳамда ижодкорнинг фалсафий қарашлари ижтимоий асослар билан далилланган. Яъни асарда миллий истиқлолдан кейинги давр ўзбек халқи ҳаёти, миллат руҳиятидаги ўзгаришлар ёзувчининг бадиий фантазияси орқали фалсафий-дидактик моҳият касб этади.

Умуман, Шарқ адабиётининг нодир намуналардан таъсирланиш, уларга хос ҳаётбахш анъаналардан фойдаланиш натижасида истиқлол даври ўзбек адабиётида ғоявий-бадиий, услубий янгиланишлар юзага келди.

Адабиётлар

1. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. –Т.: Ўзбекистон, 19. – б.
2. Комилов Н. Тасаввуф.К.1. –Т.:Ёзувчи, 1996. –242 б.
3. Румий Ж. Ичиндаги ичиндадир. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. -240-б.
4. Ҳамдам У. Исён ва итоат. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. -140 б.
5. Ҳамдам У. Моҳият кашшофи / Румий Ж. Ичиндаги ичиндадир. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. -240-б.

Давронова Ш. Литературные влияния и творчество. В статье рассматриваются вопросы перевода и литературного эффекта. Произведение Джалололдина Руми «Ичиндаги ичиндадур» и приписываемое Улуғбеку Ҳамдаму «Исён ва итоат» проанализированы в свете их морально-воспитательной и образовательной значимости.

Davronova Sh. “Literary affects and creative” The matters about translation and literaryeffect were mentioned in the article. “Ichindagi ichindadur” written by Jaloliddin Rumi and “Isyon va itoat” wich is consideredto be the productive novel of Ulugbek Hamdam’s creative work are analysed according to its moral-curricular, educational importanse.



СУБЪЕКТИ ДАТИВ КЕЛИШИГИ БИЛАН ИФОДАЛАНГАН ГАПЛАР

Элмуродов Неъматилла,

Самарқанд давлат чет тиллар институти доценти

Таянч сўзлар. Финитив феъл, шахссиз гап, бир таркибли гап, субъект, объект, предикат, гапнинг семантик структураси, мослашиш, қиёсий-типологияк таҳлил.

Финитив феълли “шахссиз” гап деб аталадиган конструкцияларнинг бир турида грамматик субъектни ифодалайдиган асосий шакл – эга бош келишикда келмайди. Бундай гапларда субъект ёки воситали келишик шаклида, ёки бутунлай редукцияга учраган (тушиб колган) бўлади.

Мазкур ишда датив келишиги билан ифодаланган субъектли шахссиз гап (ШГ) лар ҳақида сўз юритамиз. Бу борада адабиётларда билдирилган талқинлардан айримларига қисқача тўхталамиз.

1. В.С.Юрченко “Ему не спится” типдаги ШГларни қуйидаги уч хусусиятга эга, деб таърифлайди: а) бундай гапларда фақат воситали шахсли субъект мавжуд бўлади; б) бу субъект датив келишиги билан ифодаланади; в) феъл кесим шахссиз шаклда келади. Бу турдаги гаплар инсоннинг турли хил ҳолатларини ифодалайди [Юрченко 1979/4: 86].

2. М.Гиро-Вебер, гапнинг семантик структурасидан келиб чиққан ҳолда, “Мне весело, Ей было стыдно” каби ШГларни содда гапларнинг бир тури сифатидаги демипассив гаплар, деб атайди ва бундай гаплар инсоннинг рухий ва физик ҳолатини ифодалашлигини таъкидлайди. Унингча, “Мне не работается, Больному не спится” сингари гапларда эса предикатлар субъектнинг ҳаракатга мойиллигини англатади. Муаллиф юқоридаги гапларда “мне, ей, больному” сўзлари дативда келган бўлса-да, мазкур гапларда семантик субъект функциясини бажармоқда деб,

анъанавий тилшуносликнинг “фақат бош келишикдаги от (ёки олмош, ёки инфинитив) гапда эга вазифасини ўтайди” деган қарашига эътироз билдириб, субъектнинг ифодаланиш парадигмасини кенгайтиради [Гиро-Вебер 1979/6: 63-75]. Бу билан у воситали келишикда келган от ёки отлашган сўз билан шахс-сонда мослашмаган феъл предикатив алоқага кира олади, чунки улар гапнинг предикатив минимумини яратиш имкониятига эга эканлигини исботламоқчи бўлади. Бу эса от билан феъл ўртасидаги формал мослашув гапнинг грамматик шаклланиши учун унчалик аҳамиятли эмаслигини кўрсатади. Бунда мослашувнинг йўқлиги кўпгина гап(фикр)ларнинг грамматик жиҳатдан тўғри шаклланишига ҳалақит бермайди. Гиро-Вебер дунёда шундай тиллар борки, уларда, жумладан, хитой ва француз тилларида от билан феълнинг мослашуви мавжуд эмаслиги ва ушбу мослашув предикатив алоқа учун факультатив формал белги эканлигини таъкидлайди. Кўринадики, рус тили материаллари унда мослашган ва мослашмаган гаплар мавжудлигини намоён қилади. Мослашмаган гапларда воситали келишикда турган от мослашган гаплардаги от каби предикатив алоқага кириб, бош бўлак – синтактик эга мақомини олади, яъни ШГнинг эгаси даражасига кўтарилади ва бу ҳолат фақат конкрет гапларда синтактик алоқалардагина аниқланиши мумкин. Бундан структур жиҳатдан маъно



(структурный смысл – Ч.Фриз) ташийдиган ҳар қандай гап релевант ҳисобланади деган ҳулоса келиб чиқади. Шу билан бирга, муаллиф ШГлар ифодалайдиган ҳаракат борасида “<...> ни в каком безличном предложении косвенный падеж не может обозначать активного деятеля; эти конструкции либо вообще не обозначают действия, либо обозначают действие в отвлечении от деятеля” деган фикрни келтириб, ШГларга бошқача тус беради.

3. А.В.Бондарко ва В.И.Кодуховлар “Грамматика современного русского литературного языка” (М.: Наука, 1970. – 768 с.) нинг муаллифларининг воситали келишиқда, жумладан, датив келишиғида келган отнинг гапда субъект маъносида келишини ушбу воситали келишиқ хусусияти эмас, балки гапда мавжуд бўлган тобе муносабатнинг тури ва характери (“тип и характер подчинительной связи”) белгилаб беради деган қарашига эътироз билдиришади [Бондарко, Кодухов 1971: 37].

4. Маълумки, тилшуносликда бирор бир сўзнинг грамматик маъносининг юзага келиши гапда иштирок этадиган барча грамматик шаклларнинг ўзаро жипс алоқаси билан боғлиқ деган фикр устувор хусусиятга эга. Шу муносабат билан В.Г.Адмонининг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли, деб ҳисоблаймиз: “При наличии у морфологической или синтаксической формы целой гаммы значений, актуализация в высказывании одного из значений (или их оттенков) происходит непосредственно под влиянием связей с контекстом и ситуацией <...>” [Адмони 1975: 48].

5. Италиян тили материали асосида тадқиқот олиб борган Т.Б.Алисова ҳам шунга ўхшаш фикрни изҳор этади: “<...> каждой семантической функции предметных понятий соответствует несколько форм выражения, и почти каждая форма имеет несколько функций” [Алисова 1970: 87].

6. Бу борада таниқли италян тилшуноси Туллио Де Мауронинг қуйидаги гаплари масалага янада ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз: “<...> слово функционирует и означает в большинстве случаев в комбинации с другими словами” [Мауро 2000: 162].

7. Витгенштейн ҳам ҳамоҳанг фикр билдирган: “<...> лишь в контексте предложения имя может иметь значение” [Мауро 2000: 76].

8. Дарвоқе, содда гап турларини, хусусан, унинг шахсиз турини таҳлил қилган С.Д.Кацнельсон ҳам анъанавий тилшуносликнинг эга ва унинг кесим билан мослашиши борасидаги талқинининг бир ёқлама эканлиғини ҳамда бунда компонентларнинг тобе муносабати муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб, қуйидагиларни уқтиради: “Что же такое подлежащее? Обычно определяют подлежащее как имя в именительном падеже. Такое определение основывается на наивном представлении о взаимоотношении формы с содержанием в языке. Отказываясь от морфологического определения подлежащего, мы должны найти для него чисто функциональное определение <...>.” При этом “Более адекватным представляется нам подход со стороны валентных свойств глагола. Подлежащее – это прежде всего один из именных членов предложения, обусловленных содержательной валентностью глагола.” “Собственно безличный глагол “спаться” в этом отношении ни чем не отличается от личного глагола “спать”. Эти глаголы различаются, правда, по своей формальной сочетаемости. Но это уже вопросы, относящиеся к плану выражения. Оставаясь в плоскости семантико-синтаксических отношений, мы должны признать тождество функций имени в предложениях “Ребенок не спит” и “Ребенку не спится” [Кацнельсон 1972: 61]. Демак, ШГдаги “ребенку” сўзи биринчи гапдаги “ребенок” сўзи сингари функционал жихатдан бевосита иш-



харакат бажарувчи мақомини олади. ШГдаги воситали келишиқда турган “ребенку” оти ўзининг иккиламчи вазифасида келмоқда. Бошқача айтганда, эгага иш-харакат бажарувчиси ёки қандайдир ҳолат ташувчисини англатадиган шакл сифатида таъриф бериш ҳали тўла-тўқис эмас. Зотан, ифода планининг мазмун планидан нисбатан мустақиллигининг мавжудлиги формал бирликлар – эга ва тўлдирувчини параллел равишда маъно (мазмун) бирликлари – субъект ва объект билан бирга қўллаш ҳар доим ҳам уларнинг мазмун бирликлари билан мос тушавермаслигини кўрсатади. Шу боис, лисоний белги асимметрияси ифода плани структураси билан мазмун плани структурасини алоҳида-алоҳида тавсифлашга зарурат туғдиради. Дарвоқе, муаллиф айнан лисоний белги асимметрияси субъектнинг олтига семантик-грамматик тури борлигини кўрсатишини таъкидлайди. Шуларнинг ичида воситали (жумладан, датив) келишиги билан шаклланган субъект ҳам мавжуд [Алисова 2009: 21, 40-41, 55].

Маълумки, ҳозирги замон тилшунослигида нутқий бирликларнинг коммуникация жараёнида ўзининг функционал вазифаларини бажаришдаги қонуниятларини асослаш зарурияти муносабати билан семантика масалалари биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Шу боис, тилнинг семантик сатҳини синтактик ҳодисаларни изоҳлаш асоси сифатида ҳисобга олиш тил фалсафаси нуқтаи назаридан ҳам, соф лингвистик нуқтаи назардан ҳам муҳимдир.

9. Шу билан бирга, лингвистик адабиётларда бундай субъекти датив билан ифодаланган гапларда семантик субъектнинг мавжудлиги уларни шахссиз гаплар таркибига киритишга ҳалақит беради ва шу боис, уларнинг субъекти актив ва пассив гапларнинг ҳаракат бажарувчилари ўртасида оралиқ ҳолат (“промежуточное положение”) ни эгаллайди, деган фикр билдирилган ҳамда қуйидаги параллель гаплар келтирилади: Я

пишу – Мне пишется. Ученики пишут сочинение – Сочинение пишется учениками [Шанский ва б. 1988: 560-561]. Улар ШГнинг ушбу туридаги мазкур хусусиятни назарда тутиб, уларни ярим актив гаплар, деб аташади. Бизнингча, бу ерда муаллифлар ШГ ва пассив гапларнинг активга трансформация қилина олиш имкониятини назарда тутишган бўлса керак. Лекин улардаги компонентлар феъл билан турлича валентликда бўлиш қобилиятига эга: ШГда дативдаги субъект феъл билан зарурий валентликни ҳосил қилса, пассивдаги субъект (“учениками”) факультатив валентликни ташкил этади, яъни “Мне пишется” гапида ҳеч бир бўлак элиминацияга учрамаган ҳолда “Сочинение пишется учениками” гапида “учениками” сўзи факультатив валентликка эга бўлгани учун тушиб қолиши мумкин: Сочинение пишется.

Бинобарин, синтактик алоқада тобе муносабатни ҳосил қилишда қатта ўрин эгаллайдиган валентликда феъл марказий аҳамият тутиши адабиётларда ўз ифодасини топган. Чунончи, “глагол как “вершина” предложения, которому подчинены все другие его элементы, в том числе и подлежащее” [Адмони 1973/2: 55-57]. Немис грамматистлари ҳам гап қурилишида отга нисбатан феълнинг аҳамияти юқори эканлигини уқтиришади: “<...> глагол является главным структурным членом предложения и играет большую роль для построения предложения, чем имя существительное <...>” [Косов 1976/4: 19].

Туркий тиллардан бўлган ўзбек тили материали асосидаги изланишларда субъекти датив (жўналиш) келишигида келган шахссиз гаплар тўғрисида, жумладан, шундай дейилади: “Шахссиз гапнинг “Бизга бугун боришга тўғри келади” каби гапида кесимдан англашилган ҳаракатнинг бажарувчиси – логик субъект англашилиб турса ҳам, лекин ўша субъектни билдирадиган сўз (грамматик эга) бундай гапда қатнаша олмайди: кесим бу сўз билан, умуман



бошқа элемент билан ҳам предикатив муносабатга кириша олмайди, грамматик хусусият бунга йўл қўймайди” [Ғуломов, Асқарова 1987: 134].

